

# ЎЗБЕКИСТОН — ФИНЛЯНДИЯ: КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Финляндия Республикаси Президенти Александр Стубб расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



Икки мамлакат ўртасидаги дипломатик алоқа 1992 йил 26 февралда ўрнатилган.

Президент Шавкат Мирзиёев фаол ташқи сиёсат ва ислохотлар йўлини эълон қилгач, Ўзбекистон — Финляндия ҳамкорлиги янгича суръат олди. Илгари вақти-вақти билан амал қилган мулоқот механизми жаддалашди. 2018 йил томонлар Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссияни қайта тиклашга келишди. Бу қадам мулоқотни жонлантириш ва янги ҳамкор-

лик йўналишларини излашга туртки берди.

Финляндия Ўзбекистоннинг БМТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ташаббусларини ҳам фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда, бу ўзаро ишончнинг юқори даражасини акс эттиради.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Финляндия ўртасидаги иқтисодий алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Ҳозир мамлакатимизда машинасозлик, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, телекоммуни-

кация, тоза технологиялар ва агро-саноат соҳаларида фаолият юритувчи Финляндия капитали иштирокидаги ўндан ортқ қорхоналар фаолият қўрсатмоқда.

Кўксарой қароргоҳида 31 октябрь куни Финляндия Республикаси Президенти Александр Стуббни тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Қароргоҳ олдидаги майдонда икки давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий

мартабали меҳмонни самимий қутлаб, шохсупага таклиф этди.

Ўзбекистон билан Финляндия давлат мадҳиялари янгради. Етакчилар фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини бир-бирига таништирдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Финляндия Республикаси Президенти Александр Стубб расмий делегациялар иштирокида музокара ўтказдилар.

Ўзбекистон билан Финляндия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар соҳаларда янада мустаҳкамлаш истиқболлари атрофлича кўриб чиқилди.

Турли даражалардаги сиёсий мулоқот ва алмашинувлар жадал ривожланиб бораётгани, бизнесга оид шериклик фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми изчил ортиб, иқтисодий ва ишбилармонлик алоқалари мустаҳкамланмоқда. Мамлакатимизда Финляндия билан ҳамкорликда Халқаро Нордик университети муваффақиятли фаолият юритмоқда, мактаб таълими соҳасидаги дастурлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон — Финляндия бизнес форумининг якунида умумий қиймати 1 миллиард евродан зиёд истиқболли қўшма лойиҳалар портфели шакллантирилди.

Музокараларда товар айирбошлашни қаррасига ошириш, шу жумладан, ўзаро маҳсулот етказиб беришни рағбатлантириш учун Савдонни молиялаштириш қўшма жамғармасини ташкил этиш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик маҳсулотларини Европа Иттифоқи бозорларига олиб чиқиш учун сертификатлаш лабораторияларини очиш ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

Геология ва муҳим материаллар, энергетика, агросаноат, рақамлашти-

риш, сунъий интеллект, экология, туризм ва бошқа муҳим тармоқларда кооперацияни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратилди.

2026 йилда Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йигилишини ўтказиш ва Ишбилармонлар кенгашини таъсис этиш юзасидан келишувларга эришилди. Худудлараро ҳамкорликни кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Таълим, тиббиёт ҳамда меҳнат миграцияси соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Келгуси йилда биринчи Ректорлар ва инновациялар форумини ўтказиш режалаштирилган.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Финляндия Республикаси Президенти Александр Стубб Қўшма баёнотни имзоладилар.

Етакчилар ҳузурда турли йўналишларда, шу жумладан:

- савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш;
- фойдали қазилмаларни қазиб олиш соҳасидаги ҳамкорлик;
- геология фанлари, геологик қидирув, фойдали қазилмалар ва ер ости сувларини излаш ҳамда қончилик соҳаларидаги ҳамкорлик;
- рақамли трансформация, инновациялар ва рақамли ўзаро боғлиқликни ривожлантиришга қўмаклашиш;
- ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ҳамкорлик;
- мактабгача ва мактаб таълими тизимига рақамли таълим платформасини жорий этиш бўйича ҳамкорлик;
- таълим, фан ва инновациялар соҳаларидаги ҳамкорлик;
- рақамлаштириш ва сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги фан-таълим салоҳиятини ошириш;

— иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги ҳамкорликка оид икки томонлама ҳужжатлар тўпламини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Финляндия саммити якунида Кўксарой қароргоҳида дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Александр Стубб Фахрий меҳмонлар хиббонда биргаликда дарахт экидилар.

Маросим Ўзбекистон ва Финляндия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга интилишининг, икки мамлакат ва халқ ўртасидаги дўстлик ҳамда ўзаро англашув мустаҳкамланиб бораётганининг рамзи бўлди.

Шу кун Финляндия Республикаси Президенти “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойгаи гулчамбар кўйди.

Олий мартабали меҳмон мамлакатимиз ўтмиши ва келажакка ишонч тимсоли бўлган ҳамда улуғ аждодларимизнинг ёрқин сиймосини жаҳонга намойиш этувчи маъмур монумент мазмун моҳиятини юқори баҳолади.

Александр Стуббнинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида Марказий Осиё халқаро институтида “Марказий Осиё ва Шимол мамлакатлари: янги ҳамкорлик истиқболи” мавзuida давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди. Унда Президент Александр Стубб ҳам иштирок этди.

Финляндия Республикаси Президенти Александр Стубб Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон — Финляндия бизнес форумида ҳам қатнашди.

Шу билан Финляндия Республикаси Президенти Александр Стуббнинг мамлакатимизга расмий ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Икром АВАЛБЕКОВ,  
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати сурати.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

31 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб берилди.

Ўн биринчи ялпи мажлисининг биринчи иш кунини сенаторлар “Давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисида”ги қонунни муҳокама қилишдан бошлади.

Маълумки, ушбу қонун дастлаб сенаторлар томонидан билдирилган қатор эътирозлар асосида рад қилинган эди.

Ушбу қонун Олий Мажлис палаталарида келишув комиссияси тузилган ҳолда қайта ишланди.

Муҳокама чоғида сенаторлар томонидан қайд этилганидек, қонун билан белгиланаётган нормалар ходимлар манфаатини ишончли ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Қонун билан Давлат ижтимоий сугуртаси жамғармаси томонидан уч

турдаги, яъни касаллик муносабати билан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш, ишни ёки даромадни йўқотиш бўйича сугурта тўловлари тўланадиган белгиланмоқда. Бундай сугурта ҳодисалари юзга келган тақдирда, жамғарма томонидан сугурталанган шахсларга ва (ёки) уларнинг оила аъзоларига давлат ижтимоий сугуртаси бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси, ишдан бўшатиш нафақаси тўлаб берилиши назарда тутилмоқда.

Жамғарма томонидан давлат ижтимоий сугуртаси маблағлари ижтимоий солиқнинг бир қисми, сугурта бадаллари, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари, жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини депозитларга жойлаштиришдан олиннадиган даромадлар, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

Шунингдек, қонунда давлат ижтимоий сугуртаси қимматга нисбатан мажбурий, қимматга нисбатан ихтиёр асосда амалга оширилиши белгиланмоқда.

Бунда сугурта бадали мажбурий давлат ижтимоий сугуртаси билан қамраб олинмаган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун билан белгиланган миқдорларда жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғининг бир қисми ҳисобидан, ихтиёрий давлат ижтимоий сугуртаси билан қамраб олинмаган фуқаролар учун минимал миқдори қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланадиган тўлов ҳисобидан шакллантирилиши қайд этилган.



## ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИНING 43-СЕССИЯСИ ЎЗ ИШINI ДАВОМ ЭТИРМОҚДА

Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси иккинчи кунини ялпи мажлислар билан давом этди. Иштирокчилар кун тартибидаги долзарб масалаларни атрофлича муҳокама қилди.

### Биз ва жаҳон

Ялпи мажлисда юртимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Словакия Республикаси Президенти Петер Пеллегрини иштирок этиб, нутқ сўзлади.

— Бугун биз дунё ўзгариб бораётган бир пайтда маданиятлар чорраҳасида жойлашган тарихий Самарқанд шаҳрида учрашиб турибмиз. Аънава ва қадриятлар йўқолиб бормоқда, глобал тартибнинг асоси бўлган халқаро ҳуқуқ тазийқ остида, — деди Петер Пеллегрини. — Бундай вазиятда ЮНЕСКО қадриятларини асраб-авайлаб, бугунги ҳаёт ва амалиёт билан боғлайдиган ноёб платформа бўлиб қолмоқда. Айни пайтда давлатлар учун кўп томонлама ҳамкорлик ҳашамат ёки қудрат эмас, балки зарурат эканлиги ақлоқ намоён бўлмоқда. Словакия ЮНЕСКОнинг янги — “Тинчлик учун таълим” дастурини қўллаб-қувватлайди.

Куннинг иккинчи ярмида таълим бўйича вазирлар даражасидаги йигилиш бўлиб ўтди. Унда илим-фан, таълим масалалари бўйича қатор маърузалар тингланди.

Шунингдек, “Яшил бог” дарахт экиш тадбири бўлиб ўтди. 43-сессия тадбирлари доирасида Самарқанд шаҳрида ташкилотнинг 80 йиллиги муносабати билан 5 гектардан ортқ ҳудудда яшил боглар ташкил этилмоқда.

“Меросга таяниб, келажак сари” шиори остида амалга оширилаётган маъмур ташаббус ташкилотнинг асосий қадриятлари — тинчлик, маданиятлараро мулоқот, маданий меросни асраш ва экологик барқарорлик гоёларини ўзида ифодалайди.

Халқаро форум қатнашчилари, нуфузли меҳмонлар ушбу лойиҳада қатнашиб, Самарқанд халқаро туризм маркази ҳудудида 1,2 гектар майдонда 600 туپга яқин дарахт ва бута кўчатларни ўтказди.

Яшил бог шунчаки қўқамалзор эмас, балки ҳақиқий экологик инновациялар марказига айланади. Бу ерда сув сарфини камайтирувчи томчилатиб сугориш, ёмғир сувиини йиғиб, қайта фойдаланиш тизимлари яратилди.



### Депутатлар — ҳудудларда

## ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА МАСЪУЛЛИК ВА ДАХЛДОРЛИК

Авалл хабар берганимиздек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг халқ билан очиқ мулоқот қилиш, ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида ҳудудлардаги учрашувлари қизгин ва самимий ўтмоқда.

### Таъсирчан парламент назорати — амалда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП раҳбари Робохон Маҳмудова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қашқадарё вилоятидаги ўрғанишларини Қарши шаҳрининг

Рогузар маҳалласидан бошлади.

Шаҳарда бугунги кунда 60 та маҳалла фуқаролар йиғини мажмуи бўлиб, улар орасида Рогузар жиноятчилигини жилаволаш, оилавий ажримларнинг олдини олиш ва бандлик кўрсаткичлари бўйича намунали ҳудуд сифатида эътироф этилган.

Давлатимиз раҳбари яратган имкониятлар туфайли барча исроҳотлар бевосита қўйи тизимда, маҳалланинг ўзида рўй берапти. “Еттилик” бирдам ва ҳамфикр бўлса, ҳар қандай муаммони ҳал қилиш мумкин. Шу тамойил асосида иш юритилгани натижада йил бошидан бери ҳудудда бирорта жиноят ёки оилавий ажрим қайд этилмаган. Аксинча, тадбиркор ва ишбилармонлар сафи кенгаймоқда.

Бугунги кунда Рогузарда 70 нафарга яқин киши тадбиркор сифатида рўйхатга олинган. Бундан ташқари, 28 та оила тикувчилик, қасаначилик ва қандолатчилик йўналишла-

рида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган. Фракция раҳбари аҳолини қийнаб келаятган муаммолар билан батафсил қизикди ва улар ечимни юзасидан амалий ёрдам кўрсатилишини билдирди.

Р. Маҳмудова маҳалла марказида ходимлар ва аҳоли учун яратилган қўлай шароитларни, хусусан, кутубхона ташкил этилгани ва бинога энергия таъминоти қўш панеллари ўрнатилганини ижобий баҳолади.

Навбатдаги манзил — Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 3-сонли оилавий поликлиника бўлди. Ушбу муассаса нафақат шаҳар, балки ви-

лоятдаги энг йирик бирламчи тиббий хизмат масканларидан бири ҳисобланади.

Ишчи гуруҳ айнан шу масъулиятли вазифани енгиллаштиришга хизмат қилаётган рақамлаштириш жараёнлари билан қизикди.

Маълум бўлишича, поликлиника фаолияти “Д-МЕД” ягона электрон тизимга тўлиқ ўтказилган. Бу аҳоли муурожаатлари автоматлаштирилгани, шифокорлар фаолиятидаги қўғозбозлик сезиларли даражада қаймагани, энг муҳими, электрон навбат тизими самарали йўлга қўйилганидан далолатдир.





# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ



Ялпи мажлис давомида сенаторлар томонидан қонунда белгиланган суғурта бадалли, суғурталанган шахслар, суғурталовчи, суғурта қилдирувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат ижтимоий суғуртаси молиявий барқарорлигининг давлат қарфолатлари, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тайинлаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш каби қатор масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Қонуннинг қабул қилиниши ҳодимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга, иш берувчиларга оқлатилган ижтимоий тўловлар юқининг ечилишига қизмат қилиши таъкидланди. Шунингдек, мазкур қонун ишга қабул қилиш жараёнларида хотин-қизларга нисбатан камситиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятли эканлиги қайд этилди.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда “Ўқилғи-энергетика соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш чоралари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун ҳам қўриб чиқилди.

Муҳокама давомида сенаторлар кейинги йилларда мамлакатимизда ўқилғи-энергетика ресурслари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда энергияни тежаш, ўндан оқилона фойдаланиш ва энергия самардорлигини ошириш соҳасидаги ишларни тизимли равишда йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Шунингдек, ушбу соҳада таъсирчан давлат назоратини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганлиги қайд этилиб, ўқилғи-энергетика ресурслари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тегишли чоралар қўриш, электр ва иссиқлик энергиясини тежаш, ўндан оқилона фойдаланишга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликка тортиш чораларини тақомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

сусийлаштириш жараёнлари соддалаштирилмоқда, бу борадаги тўсиқлар бартараф этилмоқда.

Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар неғизига қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалдаги қонун ҳужжатларини қайта қўриб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 13 та қонунига ҳамда Ер ва Солиқ кодексларига давлат активларини хусусийлаштириш ҳамда ижарага беришни соддалаштиришга, соҳада тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторлар ўз чиқишларида таъкидлаганидек, мазкур қонун давлат мулкни хусусийлаштириш соҳасини тақомиллаштиришга, мазкур соҳадаги ваколатли органларнинг ваколатларини белгилаш ҳамда давлат активлари ва ер участкаларини хусусийлаштириш ҳамда ижарага бериш орқали хусусий мулкчиликни кенгайтиришга қизмат қилади.

Бундан ташқари, қонунда давлат мулкни сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган бўш ер участкаларига нисбатан туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарздорликлари бўйича тақилар қатъий этилмаслиги, ушбу ер участкалари аукцион савдоларида сотилганида харидорларга тўсиқларсиз расмийлаштириб



берилиши, ер солиғи ва мол-мулк солиғини давлат қўчмас мулк объектиларини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олган харидорлар томонидан мазкур объектилар учун тўланган маблағларга пропорционал равишда ҳисоблаш каби ўзгаришлар ҳам назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 9-моддасига қиритилаётган қўшимчага асосан эндиликда халқаро аҳамиятга молик автомобил йўллари бўйида замонавий қизмат қўрсатиш мажмуаларини ва сервис объектиларини, жумладан, жойлаштириш воситаларини, савдо-қўниғилочар марказларини мастер-режа асосида жойлаштириш бўйича бўш турган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдоларига қираиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентини қарори асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарори ер тоифасини бошқа тоифага ўзгариштириш учун асос бўлади.

Қизғин муҳокамага сабаб бўлган ушбу қонун давлат мулкни хусусийлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш орқали хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш ва иқтисодиётда хусусий мулкнинг улушини янада ошириш имкониятларини яратди.

Мазкур қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, сенаторлар “Дала четларида қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини етиштириш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда қишлоқ ҳўжалиғини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Бироқ дала четларига экин экмаслик ва йил давомида маҳсулот етиштирмаслик ҳолатлари аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга ҳамда бозорларда маҳсулотларнинг таннархига сезиларли таъсир қўрматмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, соҳада бошқарув тизимини тақомиллаштириш, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш заруратини юзага келтирмоқда.

Мазкур қонун тўлиқ ўқи қисман давлат ҳисобидан қўрсатиладиган, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган малакали юридик ёрдам қўрсатишни янада тақомиллаштиришни назарда тутди. Жумладан:

— Конституциявий суд шикоят билан мурожаат этган фуқаронинг илтимосига қўра, “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам қўрсатиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам қўрсатадиган адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш чораларини қўради;

— кам таъминланган шахслар, агар улар муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланган қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида Конституциявий судга мурожаат этсалар, улар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қонуннинг қабул қилиниши Конституциянинг 55-моддасида белгиланган — ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақилланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли деган норманинг ижро қилинишига, фуқароларнинг қонунларда бузилган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш имкониятининг кенгайтиришга қизмат қилиши сенаторлар томонидан қайд этилди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида “Ижро ишини юриштининг соддалаштирилган тартиби янада тақомил-

янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишга ҳамда уларнинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини қучайтиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун ҳам мазкур ислохотларнинг мантқий давоми сифатида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақилланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Лекин кам таъминланган шахслар Конституциявий судга мурожаат қилганда уларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам қўрсатиш амалдаги қонунда ўз ақсини топмаган.

Мазкур қонун тўлиқ ўқи қисман давлат ҳисобидан қўрсатиладиган, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган малакали юридик ёрдам қўрсатишни янада тақомиллаштиришни назарда тутди. Жумладан:

— Конституциявий суд шикоят билан мурожаат этган фуқаронинг илтимосига қўра, “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам қўрсатиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам қўрсатадиган адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш чораларини қўради;

— кам таъминланган шахслар, агар улар муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланган қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида Конституциявий судга мурожаат этсалар, улар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қонуннинг қабул қилиниши Конституциянинг 55-моддасида белгиланган — ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақилланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли деган норманинг ижро қилинишига, фуқароларнинг қонунларда бузилган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш имкониятининг кенгайтиришга қизмат қилиши сенаторлар томонидан қайд этилди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида “Ижро ишини юриштининг соддалаштирилган тартиби янада тақомил-

лаштирилиши муносабати билан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 43’ ҳамда 43’-моддаларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун ҳам қўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда жамият ва давлат ҳаётининг кенг ислох қилиш, амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида суд ҳужжатлари



Ахборот хўлақимидан олган суратлар.

ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини тақомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаетганлиги қайд этилди.

Айниқса, замонавий ахборот-технологияларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ижро тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, суд ва бошқа органлар ҳужжатлари сўзсиз ҳамда ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда ижро иши юритувида турли бюрократия ва сансалорликларга чек қўйишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиб келинаётганлиги таъкидланди.

Ушбу қонун билан ижро ишини юриштининг соддалаштирилган тартиби почта ва (ўқи) видеоконференцалоқа харажатларини, коммунал қизматлар тўлови юзасидан қарздорлиқни, қўп квартиралари уйлар мулкдорларининг мажбурий бадалларини ўқи тўловлар бўйича қарздорлиқни, шунингдек, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан қўп бўлмаган миқдордаги суммани ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларига нисбатан қатъий этилиш назарда тутилмоқда.

Сенаторлар ушбу қонуннинг қатъий этилиши қарздорликларни соддалаштирилган тартибда ундириш қўламини янада кенгайтиришга, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув самардорлиги ва тезкорлигини оширишга ҳамда Мажбурий ижро бюроси ҳодимлари (давлат ижро-чилари) иш оқламасининг қамайишига қизмат қилишини таъкидлади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн биринчи ялпи мажлисининг биринчи иш қуни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот қизмати.

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАМОЙИЛЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ ИФОДАСИ

Кеча ўз ишини бошлаган Олий Мажлис Сенатининг 11-ялпи мажлиси муҳокама қилинган кун тартибига жамият ҳаёти ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг долзарб масалаларига оид қатор қонунлар киритилган. Улар орасида юрдошларимизнинг конституциявий ҳуқуқларини янада мустаҳкамлайдиган, шахсий ҳуқуқ дахлсизлигини кафолатлайдиган ҳужжатлар ҳам бор.

Қуйида айрим сенаторларнинг бу борадаги мулоҳазалари ўрин олган.

### Муносабат

#### Ишчи-қизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси йўлида

Орал АТАНИЯЗОВА, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Ижтимоий суғурта тизимини тақомиллаштириш бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири. Бу масалага давлатимиз раҳбари ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Хусусан, яқиндагина Президентимиз ижтимоий суғурта тизимини тақомиллаштириш юзасидан тақилфлар тақдимоти билан танишди.

Унда бугунги кунда хусусий сектор ҳодимларининг катта қисми ҳомиладорлик, туғиш, вақтинча ногиронлик ва ишдан бўлуштиш каби ижтимоий нафақалар билан қамраб олинмаётгани қайд этилди. Тизимдаги ана шундай камчиликларга барҳам бериш мақсадида янги ижтимоий суғурта тизими жорий қилинмоқда.

Президентимиз янги тизимнинг асосий мақсади нафақат аёллар ва ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни қучайтириш, балки расмий меҳнат муносабатларини рағбатлантиришдан иборатлигини, шунингдек, ушбу тизимни рақамлаштириш орқали шаффофлигини таъминлашини қайд этди.

Ушбу қонун Сенатнинг 10-ялпи мажлисида рад этилган сўнг Олий Мажлис палаталарининг қелишув комиссиясида қайта ишланиши натижасида Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳомилийлик қўрсатишни назарда тутувчи конституциявий кафолат яна бир бор ўз ифодасини топди. Яъни ушбу конституциявий кафолатни таъминлаш ва суғурталанган шахслар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида суғурталанган шахслар Ўзбекистон Республикасидадан ташқарига чиқиб кетганда уларга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тўхтатиб туриш бўйича чеклов қонундан қираиб ташланди.

Эндиликда суғурталанган шахсларга Ўзбекистон Республикасидадан ташқарига чиқиб кетганда ҳам суғурта тўловлари амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, қонунда давлат ижтимоий суғуртаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, давлат ижтимоий суғуртаси, субъектлари, тўловлар ва суғурта стажи каби тушунчаларга аниқ таърифлар берилди.

Асосийси, суғуртанинг ушбу тури қимларга нисбатан мажбурий, қимларга нисбатан ихтиёрий асосда амалга оширилиши аниқ қилиб қўрсатилди.

Стартап лойиҳаларни молиялаштириш учун Тиклашиш ва тараққийёт жамғармасидан 2026-2027 йилларда қўшимча 100 млн. доллар ажратилмоқда.

## ИЛМ-ФАНГА ЭЪТИБОР — МИЛЛАТИНГ ЭРТАСИГА ЭЪТИБОР

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев МДҲга аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси ва Россия Федерацияси парламенти Федерация Кенгаши томонидан 30-31 октябрь қунлари Санкт-Петербург шаҳрида уюштирилган “Ҳамдўстликнинг интеллектуал қоди” мавзусидаги халқаро илмий-таълим конгрессида қатнашди.

### Халқаро алоқалар

Сенатор конгресснинг ялпи мажлисидаги чиқишида Ўзбекистоннинг таълим, фан ва инновациялар соҳасидаги давлат сиёсатининг стратегик йўналишларига эътибор қаратди ва Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда олий таълим тизимини модернизация қилиш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва илмий-инновацион салоҳиятини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистонда янги авлод кадрларини тайёрлаш, муҳандислик таълимини ривожлантириш, фан ва таълим соҳасида халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга катта аҳамият берилаётгани эътироф этилди.

Ўз навбатида, конгресс иштирокчилари томонидан МДҲ мамлакатлари университетлари, тадқиқот марказлари, инновацион компаниялари ва илмий ҳам-жамиятлари ўртасида илмий-таълим алоқаларини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлашда инновацион ёндашувларни жорий этиш, академик мобилликни ривожлантириш, қўшма тадқиқот ва таълим платформаларини яратиш масалалари муҳокама қилинди.

“Халқ сўзи”.



**«Халқ сўзи».**

**Мамлакатимизда 2026 йилдан бошлаб 5 май — «Касб ва меҳнат куни» сифатида кенг нишонланади.**



## СОҒЛОМ ВА БИЛИМЛИ АВЛОД

## МАМЛАКАТНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИ ҲАМДА КЕЛАЖАГИДИР

Аҳоли саломатлиги — мамлакатимиз келгуси тараққиётини ҳал қиладиган энг муҳим масалалардан. Шу боис сўнгги йилларда тиббиёт соҳаси ривожлантирилиб, ушбу йўналиш учун ажратиладиган маблағлар 6 карра оширилди, сифатли тиббий хизматлар маҳаллагача туширилди. Одамлар юқори технологик тиббий хизматлар учун олдин фақат пойтахтга келарди. Ҳозир бундай амалиётларнинг 400 дан кўпи вилоят ва туманларнинг ўзида бажарилмоқда. Касалликларни профилактика қилиш, аҳоли ўртасида соғлом ҳаёт тарзини қарор топтиришга катта аҳамият қаратилаётгани натижасида ўртача умр кўриш даражаси 73,8 ёшдан 75,1 ёшга узайди.

## Тиббиёт

Тиббиёт соҳасига қаратилаётган улкан эътибор унинг ривожини очмоқда. Чунки соғлом ва билимли авлод мамлакатнинг энг катта бойлиги, унинг келажагидир.

Таъкидлаш жоизки, бугун касалликларни даволашда оғир юклама республика муассасаларига тушмоқда. Шу боис вилоят ва туман миқёсида хизматларни кенгайтириб, тиббиётни аҳолига яқинлаштириш чоралари қўрилмоқда. Шу мақсадда 1,5 мингта клиник протокол халқаро талабларга мослаштирилиши ҳамда стандарт жарроҳлик амалиётларини ишлаб чиқиш, кенг тарқалган касалликлар бўйича беморлар маршрутлари учун ишлаб чиқиш ва рақамлаштириш кўзда тутилаётир.

## Муаммо ва ечим

Сўнгги йилларда инсулът ҳамда инфаркта олиб келадиган гипертония, юрак ишемик касаллиги ва қандли диабетнинг кўпайиши кузатилмоқда. Бундай ҳолатларнинг 85 фоизи ногиронликка олиб келади. Таркибида ёғ, қанд ҳамда туз миқдори юқори бўлган, мева ва сабзавотлар етарли бўлмаган таомларни истеъмол қилиш семизлик, холестериннинг кўпайиши ва қон босими ошшининг бош сабабларидандир. Шунингдек, жисмоний фаолликнинг етишмаслиги ортқича вазн ва қандли диабет хавфини оширади. Тамаки чекиш ва алкоголь истеъмоли каби зарарли одатлар юрак ҳамда қон томирларига бевосита зарар етказди, қон босимини оширади ва тромб ҳосил бўлишига шароит яратлади.

Бугун соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касалликни эрта аниқлаб даволаш, соғлиқни сақлаш тизимини мустақамлаш орқали бу хавфли тенденцияни тўхтатиб, келажак авлодларнинг соғлом ва фаровон ҳаётини таъминлаш мумкин. Демак, муаммонинг ечимини ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш тизимини трансформация қилиш ва тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган тақдирлар тақдироти билан танишув чоғида бирламчи бўлинда сунъий интеллектни кенг қўлланган ҳолда ушбу касалликларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича янгилаш протокол ва ёндашувларни жорий этиш тақлифини билдирди. Жумладан, ЭКГ-телеметрия, телемедицина, тромболитиз терапия, стентлаш ва тромбэкстракция йўлга қўйилди.

Инсулът белгиларини эрта аниқлаш алгоритминини оммалаштириш ҳамда аҳолини ўргатишга алоҳида эътибор қаратилади. Неврологик касалликлар ва инсулътни самарали даволаш мақсадида Миллий неврология ҳамда нейрореабилитация тиббиёт мар-

кази ташкил этиладиган бўлди. Марказ учун Тошкент шаҳрида 250 ўринли замонавий бино қурилади, унда йилга 3 мингдан ортқ жарроҳлик амалиётини ўтказиш имконияти бўлади. Марказ ҳамда Самарқанд ва Бухородаги тиббиёт олий ўқув юртлари клиникалари замонавий ускуналар билан жиҳозланади.

Япониялик ҳамкорлар кўмағида халқаро стандартлар бўйича эрта реабилитация хизмати жорий этилади. Уларни малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида 150 нафар мутахассис хорижда малака оширади. Мазкур лойиҳа учун 150 млн. АҚШ доллари йўналтириладиган бўлди. Ушбу чоратadbирлар ногиронлик ва меҳнатга лаёқатсизликни камайтириш имконини беради. Шунингдек, амалдаги соғлиқни сақлаш тизимини хариталаш ва рақамлаштириш, шу асосда тиббиёт муассасаларини ягона ёндашув асосида ташкил этиш бўйича мастер-режа ишлаб чиқиш режалаштириляпти. Бу ишлар доирасида янги қурилиш стандартлари, поликлиника ҳамда шифохоналарнинг намунавий лойиҳалари шакллантирилади, 210 та санитария нормаси қайта кўриб чиқилади.

Тан олиш керак, ҳозирги кунда аҳолининг лаборатория таҳлиллари ишончи бирмунча паст. Лаборатория хизматининг сустилиги профилактика ва даволашни қийинлаштирмоқда. Туман даражасидаги 2800 та поликлиникага 1500 та лаборатория хизмат кўрсатаяпти, ускуналарнинг аксарияти эскирган, айрим таҳлиллар кўлда бажарилмади. Шу боис 2030 йил якунига қадар 198 та марказлашган лаборатория ташкил этиш, ички ҳамда ташки сифат назоратини йўлга қўйиш, жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, бепул таҳлиллар сони оширилади. Бу юртимизда аҳолининг тиббиётга бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

## Касалликлар профилактикаси учун янги миллий дастур

Турли соҳаларда бўлгани каби кейинги йилларда профессионал ва олий тиббий таълимни ривожлантиришга эътибор ҳар қачонгидан ҳам юқори. Барча ўқув дастурлари халқаро таҳлиллар талаблари асосида аккредитациядан ўтказилади, оилавий тиббиёт бўйича интеграциялашган таълим дастури, шунингдек, “Бемор ёнида” ўқитиш улушини ошириш, билимларни баҳолашнинг икки босқичли тизими ва тиббиёт ходимларини рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилган.

Алоҳида йўналиш жамоат саломатлиги билан боғлиқ. Санитария-эпидемиологик осойишталик



ҳамда жамоат саломатлиги кўмитаси фаолиятини юқумли бўлмаган касалликлар профилактикасига, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, жароҳатланшининг олдини олишга йўналтириш тақлиф этилмоқда. Бунинг учун юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси бўйича миллий дастур ишлаб чиқилади.

Қон хизматини такомиллаштириш масаласи ҳам долзарб. Бу борада 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган дастур қабул қилиниб, тиббиёт муассасаларининг қон билан таъминланганлиги 100 фоизга етказилади. Қон препаратлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Қон хавфсизли-

қилиняпти, соҳага инвестициялар жалб этилиб, хусусий сектор ҳам ривожлантирилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда ҳар ўн минг аҳолига 29 нафар шифокор тўғри келади. Бу АҚШ, Буюк Британия, Финляндиядаги билан бир хил, Туркия ва Канададагидан эса кўп. Лекин бизда иш самарадорлиги, даволаш сифати тўлиқ талабга жавоб беради, деб бўлмади.

Масалан, маҳаллада бирламчи бўгин тўғри ишламагани учун туманларда касалланиш ва уларнинг оғир асоратлари камаймаяпти. Юқумли бўлмаган касалликлар мамлакатимиз иқтисодиётига ҳар йили 1 млрд. доллар атрофида зарар келтирмоқда. Тез тиббий ёрдамдаги жами қақирувларнинг тўртдан бири сурункали касаллиги бор беморларга тўғри келяпти. Баъзи жойларда тез ёрдам худди поликлиникадек таассурот уйғотилади. Вилоят ва туман шифохоналарида ходимлар сони, ўринлар, маблағлар тўғри тақсимланмаган. “Тиббий суғурта” тизимини жорий қилиш йилдан-йилга сурилиб келяпти. Навбат ва хизматларни рақамлаштириш ҳам тўлиқ ишга

нинг маслаҳат-диагностика бўлимига айлантирилади. Барча тор соҳа мутахассислари шу ерда ишлайди.

Тиббий ислохотларнинг самарадорлиги шифокор ва ҳамшираларнинг моддий таъминоти қанчалар яхшиланиши билан боғлиқ. Давлатимиз раҳбари поликлиникаларда оилавий шифокорнинг базавий ойлик маоши 500 доллар, ҳамшираники 300 доллар эквиваленти миқдориди бўлишини, улар малака сертификати олса, яна шунча устима тўланишини ҳам қайд этди.

Агар улар маҳаллада юриб, сурункали беморларни касаллик билан яшаб ва уни бошқаришга ўргатса, онкология, диабет, инсулът, инфаркт каби хасталикларни эрта аниқлаб, оғир асоратларнинг олдини олса, маоши янада ошади. Ўрни оилавий шифокорлар 1,5 минг доллар, ҳамширалар эса 600 — 800 доллар эквивален-тида ойлик оладиган тизим бўлади. Мазкур тизим бу йил 15 та туман ва шаҳарда, келгуси йилдан Самарқанд вилоятининг барча худудларида синовдан ўтказиладиган бўлди.



гини таъминлашнинг замонавий усуллари, жумладан, вирусларни инактивация қилиш ва нурлантириш жорий этилади. Бу ўлим ҳолатларини камайтириш ҳамда қонга эҳтиёжни таъминлаш имконини беради.

Мамлакатимиз фармацевтика бозори бугунги кунда 2 млрд. доллардан ошган. Аҳолини сифатли, хавфсиз ва самарали дори воситалари билан таъминлашга қаратилган ислохотлар жараёнида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мезонларини инобатга олган ҳолда, дори воситаларини рўйхатдан ўтказишда тан олиш тартиби жорий этилади. Женерикларнинг биоэквивалент синовлари ўтказилади, тиббий буюмларни уларнинг хавфсизлик синфлари бўйича рўйхатдан ўтказишнинг табақалаштирилган тизими қўлланилади. Бу борада фаолиятни бошлаш учун хабардор қилиш йўлга қўйилади. Шартнома асосида ишлаб чиқариш ва технологиялар трансферти ривожлантирилади, фармацевтиктинг замонавий механизмлари татбиқ қилинади.

## Самарадорлик ва сифат ҳар соҳада муҳим

Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш энг долзарб йўналишлардан бири. Шу мақсадда давлат шифохоналари ислох

тушгани йўқ. Шунинг учун аҳоли қамрови, касалликлар таҳлили ҳамда мувожазатлар туридан келиб чиқиб, янгилаш тартиби белгиланди.

Аввало, бирламчи бўгин ислох қилиниб, тиббиёт бригадаси ҳамда унга бириктирилган аҳоли ўртасида икки томонлама шартнома тузилади. Энди аҳоли оилавий шифокорни эркин танлайди, бу жараёнга хусусий шифокорлар ҳам жалб этилади. Тиббий ёрдамнинг қафолатланган пакети тасдиқланади ҳамда пакет доирасида тиббий хизмат ва дори воситалари тўлиқ бюджетдан қопланади. Бирламчи бўгинда барча шифокор ҳамда ҳамширалар фақат тўлиқ ставкада ишлайди. Поликлиникада акушер-гинекологлар сони икки баробар кўпайтирилади. Ҳар 3 минг нафар бола учун биттадан педиатр штати янгидан қўйилади. Туманлардаги шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолияти қамров жиҳатидан мақбуллаштирилади. Марказий поликлиника эса туман шифохонаси-

Тиббиёт йўналишида дуал таълимни тўлиқ жорий қилиш, мавжуд клиникаларни уларнинг тасарруфига ўтказиб, олийгоҳларга молиявий мустақиллик бериш вақти ҳам келди. Умуман, тиббиёт тизимини маблағларни тўғри ишлатиш, рақамлаштириш ва суғуртани жорий этиш, бу борада қатъий тартиб-интизом ўрнатиб, одамларни рози қилиш асосий мақсадимиздир.

Шухрат БОЙМУРДОВ, Тошкент тиббиёт академияси ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

## «ОЛТИН КУЗ» — ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ФОРУМИ

Тадбир

Пойтахтимизда истеъдодли, билимдон ва санъатсевар навқирлар авлод вакиллари иштирокида илк бор “Олтин куз” иқтидорли ёшлар форуми старт олди.

Маданият вазирлиги томонидан уюштирилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 250 нафарга яқин маданият ва санъат соҳаси вакиллари, фаол ижодкорлар ҳамда истеъдодли ёшлар жам бўлди.

Қун давомида ташкил этилган турли тадбир ва мулоқотлар, хусусан, “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви, “Маданият тўлқинлари”

медиа лойиҳаси ғолибларини тақдирлаш маросими ҳамда ёш шоирлар ижодий учрашуви — “Назм гулшани” қатнашчиларда илиқ таассурот қолдирди.

— Мазкур форум янги истеъдодларни юзага чиқариш учун хизмат қилишига ишонамиз, — дейди Фарғона вилоятидан келган Зебинисо Ҳайдарова. — Чунки тадбирлар биринчи кунданок жуда ажойиб бошланди. Мулоқот ва суҳбатлар мобайнида янги дўстлар орттирдик, эндиликда улар

билан мунтазам фикрлашиб турамиз, шу аснода иқтидоримизни ҳам чарқлаб борамиз.

Маълумотларга кўра, тадбирлар кейинги кунларда ҳам қизгин кечади. Хусусан, 3 ноябрь кунидан бошлаб “Олтин куз” номи халқаро оркестрлар фестивали ўтказилиши режалаштирилган.

Форум 4 ноябрь кунини якунланади.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳосини келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатга маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилбаст 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.52 Топширилди — 02.50 1 2 3 4 5 6

## ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

## БЛОГЕРЛАР УЧУН ҚОЙДАЛАР КУЧГА КИРДИ

Интернет маконини назорат этувчи давлат органи — Хитой кибермакон маъмурияти томонидан қабул қилинган ва шу йил 25 октябрдан бошлаб кучга кирган қоидаларга кўра, инфлюенсер (блогер)лар касбий маъзулар — тиббиёт, молия, ҳуқуқ ёки таълим бўйича контент жойласа, малакасини тасдиқлаши шарт бўлади. Яъни мазкур соҳаларда маслаҳат ёки таҳлил улашадиган блогерлар тегишли маълумотга, лицензияга ёки малакасини тасдиқловчи сертификатга эга бўлиши керак.

Расмийларнинг сўзларига кўра, янги чоралар нотўғри маълумотларнинг тарқалишига қарши курашишга қаратилган. Сўнгги йилларда Хитойда етарлича тайёргарликсиз даволаниш, сармоя киритиш ёки ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат берувчи блогерлар сони кескин ошган.

Қарор ижтимоий тармоқда қизгин баҳсларга сабаб бўлди. Тарафдорларнинг фикрича, янгилик контент сифати ва фойдаланувчилар ишончини оширишга ёрдам беради.

## ЕВРОПАДА АМЕРИКАЛИК ҲАРБИЙЛАР СОНИ ҚИСҚАРАДИ

Руминия Мудофаа вазирлиги АҚШнинг Европадаги қўшинлар сонини камайтириш ҳақидаги қарорини эълон қилди. Унда таъкидланишича, америкалик ҳарбийларнинг бир қисми Шарқий Европа мамлакатларидан олиб чиқилади. Руминия ва иттифоқчилар бу қарордан ҳабардор қилинган.

Бу АҚШ қуроли қучларининг глобал жойлашуви бўйича қайта баҳолаш жараёни доирасида амалга оширилмоқда. Руминия Мудофаа вазирлиги баёнотида айтилишича, АҚШ қарори Европада бир неча НАТО мамлакатларида жойлашган бригада ротациясини тўхтатишни назарда тутди. Шу билан бирга, Руминия худудига қарийб минг нафар америкалик ҳарбий хизматчи қолади. “24 канал” хабарига кўра, АҚШ контингенти Болгария, Словакия ва Венгрияда ҳам қисқартирилади.

## ПОЛИЦИЯ КЕНГ КЎЛАМЛИ РЕЙД ЎТКАЗДИ, АММО...

28 октябрь кунин Рио-де-Жанейро шаҳрида полиция амалиёти ўтказилди. Бразилия ҳукумати операцияни “Қизил кўмондонлик” тўдасига қарши тарихдаги энг йирик рейд деб атаган. Биринчи кунда қурбонлар сони 64 киши экани, уларнинг 4 нафари полиция ходимлари экани айтилганди. 30 октябрга келиб, қурбонлар сони икки баробар ошди, 132 нафарга етган.

Амалиёт қандай кечгани, ўлимлар учун ким жавобгар экани борасидаги саволлар очик қолмоқда. Қолаверса, асосий мақсад — жиноий тўда раҳбари қўлга олинмаган. Вилоят губернатори Клаудио Кастро рейдни муваффақиятли деб баҳолашган, 113 киши ҳибсга олингани, 118 дон қурол ва бир тонна ғиёҳванд моддалар мусодара қилинганини айтди.

БМТ Бош қотибани Антониу Гутерреш ҳам рейдлар оқибатида юз берган қурбонлар сонидан хавотир билдирди. У Бразилия ҳукуматини инсон ҳуқуқларига риоя этишга ва воқеани тергов қилишга чақирди.

Эслатиб ўтаёмиз, келгуси ҳафтада Рио-де-Жанейрода БМТнинг икким конференцияси доирасида қатор тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

## ШИФОХОНАДАГИ ХУНРЕЗЛИК

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Суданнинг Ал-Фашр шаҳридаги шифохонада 460 дан ортқ бемор ва уларнинг яқинлари ўлдирилгани ҳақида хабар берди. ЖССТ раҳбари Тедрос Адҳаном Гебреесуснинг айтишича, Ал-Фашрдаги Сауди туғуруқхонасига уюштирилган ҳуружлар ва шифокорларнинг ўғрилиб кетилишини қоралаб, беморлар, тиббиёт ходимлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари халқаро гуманитар ҳуқуқ асосида ҳимоя қилиниши лозимлигини айтди.

Маълумки, Ал-Фашр шаҳри 26 октябрь кунин 18 ойлик қамал ва бомбардимонлардан сўнг темиркор ёрдам қучлари қўлига ўтди. Шундан сўнг Дарфур минтақасида “этник тозалаш” бошланган.

ЖССТ маълумотига кўра, 2023 йил апрель ойида можаро бошланганидан бери Судан бўйлаб соғлиқни сақлаш тизимига қарши 185 марта ҳужум уюштирилган. Бу ҳаракатларда 1 200 дан ортқ кишилар ҳалок бўлган, 400 дан кўпи жароҳатланган.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Ўзбекистон ва Буюк Британия мода соҳаси учун янги таълим дастурларини жорий этади.